

ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАР
ОЛАМИ



МАЪРИФАТ ДАФТАРИ

ТОШКЕНТ
"O'ZBEKISTON"
2013

УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)

М 34

87.7 - *Этима*

Тўпловчи:

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

31837
N1 191

ISBN 978-9943-01-947-8

2014/16

A

1334

© "O'ZBEKISTON" ЎМИТ, 2013
Alisher Navoiy

nomidagi

O'zbekiston MK



ОДАМНИНГ ТУПРОҚДАН ЯРАТИЛИШИ САБАБИ

Қудратли ва улўф Оллоҳ Одамни
яратаман деб хитоб қилганида
барча нарсалар бош кўтариб:

– Одамни биздан яратгил! – деб
тама қилдилар.

Тоғ айтди:

– Мен – қутлуғман!

Денгиз айтди:

– Мен – улуғман.

Осмон айтди:

– Мен – юксакман!

Шу тариқа барча нарсалар ўз-
ларини улуғладилар. Ер эса тавозе
билан:

– Мен ҳаммадан заифман, оёк остидаман, менда мактангулик нарса йўқ, – деб, камтарлик қилганида хитоб келдики:

– Мен Одамни тупрокдан яратурман! – деб.

Одамни тупрокдан яратди.

КЎНГЛИ ҚАТТИҚ ФАРИШТА

Қудратли ва улуғ Оллоҳ Одамни яратишга қарор қилганида Жаброилга¹ хитоб қилди:

¹ Жаброил, Исрофил, Микоил, Азроил – исломдаги тўрт фаришта. Жаброил – Худо билан пайгамбарлар ўртасида элчилик қилади. Исрофил – қиёмат куни келганини билдириб сурнай чалади. Микоил – қоинотни бошқаради. Азроил – жон олади.

– Боргил, ер юзидан бир ҳовуч тупроқ келтиргил!

Жаброил келиб, бир ҳовуч тупроқ олмоқчи бўлганида ер мендан тупроқ олмагил, деб Жаброилдан ўтинди. Жаброил унинг ҳурматини қилиб, тупроқ олмади.

Исрофилни жўнатди. Ер ундан ҳам тупроқ олмаслигини ўтинди. У ҳам тупроқ олмади.

Кейин Микоилни жўнатди. Ер ундан ҳам тупроқ олма деб ўтинди. У ҳам тупроқ олмади.

Кейин Азроилни жўнатди. Ер ундан ҳам ўтинди. Азроил деди:

– Менга сенинг илтимосингдан Тангри таоло амри азизроқ!

Шундай деб, ер юзидан бир ҳовуч тупроқ олди.

Парвардигори оламдан хитоб келди:

– Эй Азроил, жуда қаттиққўнгил экансан. Барча мавжудотларнинг жонини олишни сенга тақдир қилдим.

ШАЙТОННИНГ ЛАЪНАТЛАНИШИ

Одамни нурдан ясалган бир тахтга ўтқазиб, фаришталар уни елкаларида кўтариб, жаннатни кезар эдилар.

– Биз кеча-кундуз зикру сано айтамиз. Одам болалари эса турлитуман ёмон ишларни содир этадилар, қон тўкадилар. Шундай экан, Одам нега биздан улур бўлсин? – деб бир куни фаришталар ғийбат қилдилар.

Парвардигори оламга уларнинг бу сўзи маъқул келмади. Ҳукм қилди:

– Сизлар Одамни ғийбат қилганларингиз учун савобларингиз бекор бўлиб, улар Одам болаларига берилди. Бу ғийбатнинг жазоси – шу. Бу кун барча фаришталар боринг, Одам тахтини елкангизга кўтариб, унга хизмат тариқини кўрсатинг!

Шундан кейин қудратли ва улуг Оллоҳ “Асмо”¹ илмини Одамга ўргата бошлади. Ҳамма нарсаларни фаришталарга кўрсатди.

– Агар тўғри сўзлик бўлсангиз, бу нарсаларнинг оти нимадир, менга айтиб беринг.

Фаришталар ожиз бўлиб айтдилар:

¹ *Асмо* – исмлар. Оллоҳ таолонинг гўзал исмлари ҳақидаги илм бўлиб, бу исмларнинг жами 99 та. У “Асмой ҳусна” (“Гўзал исмлар”) деб ҳам юритилади.

– Сен ўргатгандан бошқа нарсани билмасмиз.

Яна Одамга фармон бўлди:

– Эй Одам, фаришталарга бу нарсаларнинг отини айтиб бергин.

Одам барча нарсаларнинг отини айта бошлади:

– Бу – дарахт, бу – тош, бу – сув...

Ҳамма нарсанинг номини бошидан охирига қадар барча тилларда баён қилди.

Хитоб келди:

– Эй фаришталар, сизларга айтмадимми, мен билган нарсани сизлар билмайсизлар, деб. Энди сизга маълум бўлдики, Одам олимдир, сиз обидсиз¹. Менинг ҳу-

¹ *Обид* – тоат-ибодат қилувчи, ҳудожўй, такводор.

зуримда минг обиддан бир олим афзалроқдир. Қайда обид бўлса, у олимга хизмат қилиши керак. У махдум¹ бўлсин, сизлар ходим² бўлинг. У масжид бўлсин, сизлар сажда қилувчи бўлинг. Одамга сажда қилинг!

Барча фаришталар бараварига сажда қилдилар, ёлғиз Азозил³ сажда қилмади. Ўзини улуғ санаб, бўйин эгмади ва кофирлар жумласидан бўлди.

Азозил сажда қилмагач, Аршдан хитоб келди:

— Нима учун сажда қилмадинг?

¹ *Махдум* — бошқалар унинг хизматида бўладиган киши; хўжайин, хожа.

² *Ходим* — бировларга хизмат қиладиган киши, хизматкор.

³ *Азозил* — шайтон, иблиснинг номи.

– Мен ундан ортиқроқман, – деди. – Мени ўтдан яратдинг, уни қора тупроқдан...

Бундай далил келтиргани учун Азозил отини бекор қилиб, Иблис деб ном бердилар. Маъноси “ноумид” демакдир. Лаънати Иблис ўтни тупроқдан ортиқ деди. Билмадики, тупроқ ўтдан ортиқ. Далили буким: ўт ўғридир, ниманики ўтга берса, йўқ қилур, қайтиб бермас, аммо тупроққа бир ховуч уруғ солсанг, ўнни юз қилиб сенга қайтаради.

Иблис айтди:

– Ё Раббим¹, мен юз минг йил тоат қилдим, унинг мукофотини менга бергил.

Хитоб келди:

¹ *Раб* – Оллох, Парвардигор.

– Нима истайсан?

Иблис қиёмат кунига қадар узун ёш тилади.

Муфассирларнинг¹ айтишларича, у бадбахт Оллоҳ таолога найранг кўрсатди – қиёмат кунига қадар умр тилади, ўликлар тириладиган кунга қадар умр кўрсам, кейин менга ўлим бўлмайди деб ўйлаган эди. Оллоҳ таоло унинг бу яширин сирини билиб, жавоб қилди:

– Биз сенга маълум кунга қадар умр бердик, сен тилаган кунга қадар эмас.

Бир мўътабар тафсирда келтирилишича, қиёмат кунигача дега-
нидан мақсад бу эди: ҳозирда

¹ *Муфассир* – тафсир қилувчи, шарҳловчи (кўпроқ Қуръонни шарҳловчи).

Тангри фаришталари кўн – уларга қарши чиқишга кучим етмайди. Қиёматгача Жаброил, Исрофил, Микоил ва бошқа фаришталарнинг ҳаммаси ўлиб, Тангри ёлғиз қолса, у билан бахсшаман.

ОДАМ АТО ВА МОМО ҲАВОНИНГ ЖАННАТДАН ҲАЙДАЛИШИ

Одам Ато ва Момо Ҳаво никоҳ қилинганларидан кейин хитоб келди:

– Эй Одам, жуфтинг билан жаннатга кир, неъматларидан баҳраманд бўл. Фақат мана бу йиғочга¹ яқинлашманг.

У буғдой йиғочи эди.

¹ *Йиғоч* – дарахт, бута.

Иблис лаънатлангандан кейин жаннатдан ҳайдалди. Жаннатга кира олмайдиган бўлди. Кўнглида Одам Ато ва Момо Ҳавога нисбатан адоват бош кўтарди. Уларни йўлдан уриб, жаннатдан чиқаришга қасд қилди. Ўша пайтда илон чиройли суратлик туяга ўхшар эди. Қизил, яшил – турли безаклик қанотлари бор эди. Момо Ҳаво илоннинг чиройли суратини хуш кўриб, у билан суҳбат қураб эди. Буни билган Иблис илондан илтимос қилди:

– Мени жаннатга олиб кир, Ҳаво билан сўзлашайин.

Илон кўрқиб, унамади.

Иблис айтди:

– Оғзингни оч – мен кириб оламан.

Илон оғзини очди.

Иблис илоннинг тили остига яширинди. Шу тарика илон Иблисни жаннатга олиб кирди. Илон Одам Ато ва Момо Ҳавонинг тахти рўпарасига келиб тўхтади. Тили остидан Иблис сўзга кирди. Одам Ато илон сўзини тингламагач, Момо Ҳавога юзланди. “Аёл кишининг кўнгли юмшоқ бўлади”, деб Момо Ҳавога сўзлади:

– Тангри сизни нега бу бугдой йиғочидан ман қилгани сабабини билармисан?

– Билмайман, – деди Момо Ҳаво.

Иблис васваса қилди:

– Шунинг учунки, ким бу бугдойдан еса, жаннатда абадий яшайди, ўлим нималигини билмайди,

яна жаннат неъматларидан бебахра қолмайди.

Бу сўзни эшитиб, Момо Ҳавонинг кўнгли суст кетди. Ўрнидан туриб, буғдой ёнига борди. Бир бутоғини синдириб, Одам Атонинг қошига келтирди:

— Бу бутоқ лаззатли экан, мен едим — ҳеч нарсаси қилмади, сен ҳам егил, — деди.

Одам Ато буғдойни оғзига солиб, чайнади, бўғзига тикилгандагина Оллоҳга берган ваъдасини эслади. Ютишни ҳам билмади, ютмасликни ҳам...

Бу гуноҳ содир бўлгач, Одам Ато билан Момо Ҳавонинг бошларидан тож тушди, устларидан либос — яланғоч қолдилар. Қўллари билан авратларини бекитиб,

М 34 Маърифат дафтари /
Э. Очилов. – Тошкент O‘zbe-
kiston, 2012. (Ҳикоят ва ри-
воятлар олами) – 368-бет.

ISBN 978-9943-01-947-8

Ибратли ҳикоятлар ва пурмаъно ри-
воятларга бой диний адабиётлардаги маъри-
фатимизни ошириб, маънавиятимизни бойи-
тадиган ахлоқий мавзу ва панд-насихат ру-
ҳидаги намуналар асосида тартиб берилган
навбатдаги тўплам ҳам сўз сеҳрига ошно
кўнгилларга муносиб тухфа бўлади, деб
ўйлаймиз.

УЎК: 821.512.133-3
КБК 84(5Ў)7